



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
13 декабрь
ШАНБА
№ 99
(12.110)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЮРТИМИЗ ОБОД, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уларга ҳар жиҳатдан қўлай ва сифатли хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш авлодни камол топтириш масалаларига бўлган эътибор мамлакат тараққиёти ва турмуш фаровонлашувининг муҳим омилдир.

Юртбошимиз Ўзбекистон Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда: "... юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юқсак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз", дея алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларида яшайди. Уларга ҳар жиҳатдан қўлай шарт-шароит яратиш, нафақат қишлоқ қиёфасини, балки турмуш савиясини ва маданиятини янги поғонага кўтаришга устувор аҳамият бериш давр талабидир.

Давлатимиз раҳбарининг: "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун" деган эзу тамойилини тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади", деган сўзлари ҳар соҳа вакиллари учун эзгуликка ундовчи шioriга айланди. Хусусан, кейинги йилларда соғ-

лиқни сақлашнинг бирламчи бўлиши, айниқса, қишлоқ жойларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Қам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулатория ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишяпти. Бундан кейин ҳам барча соҳада бўлганидек, мамлакатимиз тиббиётининг барқ уриб ривожланиши шубҳасиз. Бинобарин, эртанги кун ворисларининг баркамоллиги, миллатимизнинг соғлом бўлиши амалга оширилаётган кўламли ислохотларнинг асл мақсадидир.

Қишлоқларимизнинг янада тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш вазифалари биз, тиббиёт ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.


Холида ЁДГОРОВА,
Бўстонлик тумани
Кўшқўрган қишлоқ
врачлик пункти бўлими
мудир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниди ва у 2008 йил 11 сентябрдан, яъни матбуотда эълон қилинган қонундан кучга кирди. Қонун 18 моддадан иборат бўлиб, унда асосан Қонуннинг мақсади, ҳуқуқий асослари, асосий тушунча-

Ижтимоий сугурта: ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАЙДИ

Қонун мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси умумий ижтимоий сугуртанинг бир тури бўлиб, уни қабул қилишда сугурталанган шахсларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг иқтисодий манфаати, қонунда назарда тутилган ҳолларда сугурталанувчинини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касалликларидан келиб чиққан нафақат моддий, балки руҳий ва ижтимоий тикланишга бўлган ҳолатлар буйича хизмат билан таъминлаш, сугурта ҳодисаси юз берган тақдирда ижтимоий соғлиғини ва руҳиятини тез муддатларда тиклаш тамойилларини яратиш каби масалалар ижтимоий-ҳуқуқий асос килиб олинди.

Қонуннинг 3-моддасида ушбу муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қанча тушунчалар қўлланилиши белгиланган. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса деганда, сугурталанган шахсининг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини сугурта қилдирувчининг ҳудудида ёки ундан ташқарида бажараётганда маий бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига олиб



ҚИШЛОҚҚА ЁШ КАДРЛАР

Тошкент Давлат аграр университетини қишлоқ хўжалиги кадрлари ўқоғи дейишди. Бу бежиз эмас. Олий илм даргоҳи ҳар йили мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги учун юзлаб пахтакор, сабзавоткор, соҳибқир пиллакор, ҳосилоту зоотехник, иқтисодчи ҳисобчи, селекциячи ўрмон хўжалиги му- тахассисларини тайёрлаб беради.

Бугунги кунда университетда 7 мингдан зиёд ба- калавр ва магистрант зур иштиёқ билан билим олмоқда. 600 дан кўпроқ ўқитувчилар уларга устоз ва мураббийлик қилаётир. Ушбу муаллимлар сафида

лаб бериш бу илм даргоҳининг етакчи тармоқларидан биридир. Бу соҳада эришилаётган ютуқлар, яратилаётган янгилıklar оз эмас. Чунончи, ўсимликларни химия қилиш биологик марказида пахта, галла ва бошқа кўпжа қишлоқ хўжалиқ экинларини зарарку- нданлардан химия қилишнинг экологик тоза усуллари ишлаб чиқилди. Марказ мамлакатдаги 900 дан зиёд ишлаб чиқариш биологояр- торияларини тез қўлайтириш имконини берувчи

уруғлик билан таъминла- моқда. 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонли- ги йили" деб эълон қили- ниши муносабати билан биологик марказда олиб борилаётган иланишлар кўлами янада кенгайиши шубҳасиз.

СУРАТДА: университет биологоярторияси доим талабабар билан гавжум. **Рустам ШАҒАЕВ** (ЎЗА) олган сурат.

Қонундаги ўзига ҳослик шундан иборатки, унда сугурталанувчиларнинг фақат бир сугурталовчи томонидан сугурталаниши лозим

қўлаб фан номзодлари ва докторлари, номлари дунёга танилган олимлар бор. Олий ўқув юрти қошида гимназия ҳамда лицей ҳам фаолият юритмоқда.

Қишлоқ хўжалиги учун малакали биологлар тайёр-

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛАМИЗ – ФАҲРИМИЗ

дейишмоқда Чирчиқ шаҳридаги «Адолат» маҳалласи ёшлари



Икки йилдирки Ўзбекистон Оксоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирилик ҳамкорлигида "Қадрятлар бешигини, азиз маҳаллам" шори остида "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-тан-

лови ўтказилмоқда. Вилоят "Маънавият-тарғибот" марказида мазкур танловнинг якуний республика босқичи бўлиб ўтди. Унда иккинчи ҳудуд, яъни Тошкент шаҳри, вилоятимиз ҳамда Сирдарё вилояти ғолиблари ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Икки йилдирки Ўзбекистон Оксоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирилик ҳамкорлигида "Қадрятлар бешигини, азиз маҳаллам" шори остида "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-тан-

лови ўтказилмоқда. Вилоят "Маънавият-тарғибот" марказида мазкур танловнинг якуний республика босқичи бўлиб ўтди. Унда иккинчи ҳудуд, яъни Тошкент шаҳри, вилоятимиз ҳамда Сирдарё вилояти ғолиблари ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Рафикам тўртинчи саҳифадаги "Турмуш чорраҳаларида", па- занда маслаҳатларини ўқиб, сканвордини ечиб тўлдирмагунча, газетани ҳеч қизга бермайди. Ўғлим Нодиржон талаба укаси билан "Ёшлар йили" Давлат дас- тури доирасида газетанинг ҳар бир сонидида чоп этилаётган мах- сус саҳифа ва алоҳида мақола- ларни мутолаа қилишга киришиб кетишди. Ниҳоят, кеч оқшомда навбат менга етди. Одатим, дастлаб газетанинг биринчи саҳифасига кўз югур- тираман. Республикаимиз ва ви- лоятимиз ҳаётига оид долзарб

Вилоятимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кўпгина маҳсулотлар жа- хон бозорига тобора харидоригр бўлиб бораёпти.

Фойдали ҲАМКОРЛИК

Юқори сифат, мақбул нарх ва айниқса, шартномада белгиланган муддат ва миқдорларда етакчи берилаётгани, ҳозирги умумжа- хон молиявий инқирози қатор мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатаётганига қарамай, бу маҳсулотларга талаб барқарорли- гича қолаётир.

Буюк Британиядаги йирик "LN METALS" ком- паниясининг Марказий Осиё ва Африка мамла- катлари рангли металлари савдоси департаме- нти директори Каролина Титгатнинг "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятига ташрифи хорижий мамлакатлар бил- ан узок истикболга мўлжалланган ўзаро фой- дали ҳамкорликка ёрқин мисолдир. Инглиз ком- панияси вақилининг ташрифи асосий мақ- сад комбинат билан амалий алоқаларни йўлга қўйиш ва ОКМҚда тайёрланаётган мис ва бош- қа рангли металлари харид қилишдир.

Комбинат раҳбарияти билан бўлган амалий сўхбат ҳамда корхона билан танишиш жараё- нида меҳмон ОКМҚ маҳсулотларини харид қилиш истикболларига, комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт салоҳиятига юқсак баҳо берди.

Уз мухбиримиз.

Обуна – 2009

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" – ОИЛАМИЗ ҚУВОНЧИ

Биз бутун оиламиз билан вилоятимиз ҳаёти ойнаси ҳисобланган "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда" газе- тарининг хафтаинг чоршанба ва шанба кунлари хонадонимизга кириб келиши- га одатланиб қолганмиз. Кўпчилик эмас- мизми, газета почта қутисига келиб туш- масиданок қўлма-қўл бўлиб кетади.

Рафикам тўртинчи саҳифадаги "Турмуш чорраҳаларида", па- занда маслаҳатларини ўқиб, сканвордини ечиб тўлдирмагунча, газетани ҳеч қизга бермайди. Ўғлим Нодиржон талаба укаси билан "Ёшлар йили" Давлат дас- тури доирасида газетанинг ҳар бир сонидида чоп этилаётган мах- сус саҳифа ва алоҳида мақола- ларни мутолаа қилишга киришиб кетишди. Ниҳоят, кеч оқшомда навбат менга етди. Одатим, дастлаб газетанинг биринчи саҳифасига кўз югур- тираман. Республикаимиз ва ви- лоятимиз ҳаётига оид долзарб

ЧАҚИРУВ ЭНДИ ЯНГИ ТАРТИБДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбеки- стон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини тақо- миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мувофиқ 2009 йилдан бошлаб йигит- ларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш йили- га бир марта – февраль-март ойларида амалга оширилади. Муддатли ҳарбий хизматнинг белги- ланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар март- апрель ойларида уйига қайтади.

Айни пайтда жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида чақирилув- чиларни 2009 йилдан янги тартиб асосида, муддатли ҳарбий хизматга чақиришни юқсак савияда ташкил этиш- га жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

Мудофаа ишлари бўли- млари ходимлари тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда чақирилувчи- ларнинг оилавий шароити, ҳарбий хизматга мослашув имкониятларини атрофича ўрганмоқда. Чақирилувчи- ларнинг соғлиғи тиббий кўриқдан, жисмоний ва маъ- навий тайёргарлиги, били- ми, дунёқараши синовдан ўтказилади.

Юқоричирчиқ тумани- даги қурилиш-иқтисод- дий касб-хунар колле- жида Ёшлар йили муно- сабати билан "Ватан ягно- надир, Ватан биттадир" шиори остида тадбир ташкил этилди. Унда 600 дан кўпроқ ўқитувчи ва ўқувчилар қатнашди.

МАЗМУНИ СУҲБАТ

Анжуманда, жумладан, инсон, унинг шаъни, қадр- қимматини таҳқирловчи одам савдоси ўз гирдобига асосан ёшларни, аёлларни тортаётганини, унга қарши курашиш самардорлигини оширишга доир фикр-муло- ҳазалар билдирилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Шарқ яқ- какурчалари ва жанг санъати маркази ҳамда Муайтай феде- рацияси ҳамкорлигида "Ўзбекистондаги муайтай буйича мамлакат кубоғи мусобақалари кеча ниҳоясига етди.

Аҳамиятли томони "Ўзе- бкистон муайтайчилари гиеҳ- вандлик ва терроризмга қарши" шиори остида ўтган мазкур турнирда жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпио- нати голиб ва совриндор- лари рингга чиқиб, минглаб мухлислар кўз ўнгига про- фессионал маҳоратларини намойиш этишди.

– Спортнинг бу тури кей- инги йилларда бутун мам- лакатимиз бўйлаб жадал ри- вожланмоқда, – дейди муай- тай буйича Ўзбекистон тер- ма жамоаси бош мураб- бийи Замирбек Қосимбеков. – Икки кун давом этган му- собакалар ўзбекистонлик муайтай усталарининг нима- ларга қодир эканлигини яна бир қарра намойиш этди. Уз навбатда, бу мусобақалар ёш спортчиларимиз учун яна бир жиддий синов ва чинқиш машқлари вазифа- сини ҳам ўтади, десак хато бўлмайд.

Негаки, 2009 йили Вьетнамда бўлиб ўта- диган Осиё ўйинлари ва Австралия мезбонлигидаги жаҳон чемпионатида ишти- рок этадиган терма жамоа- миз таркиби ҳам айнан шу мусобақа голиб ва соврин- дорлари ҳисобига шакл- лантирилди.

Мусобақанинг иккинчи кун, айниқса, қизғин ва му- росасиз баҳсларга бўлиб бўлди. Унда 45, 54, 57, 60, 63, 67, 71, 91 ва ундан юқори вазн тоифасидаги спортчилар ўзаро баҳс олиб бордилар.

Турнирнинг голиб ва сов- риндорлари ташкилотчилар ва ҳомийларнинг қиммат- баҳо совғалари билан тақ- дирландилар.

Алишер РАҲМАТОВ.



Ижтимоий сугурта:

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАЙДИ

Сугурта қилдирувчи эса сугурталанган шахснинг меҳнат нормаларига риоя этишини талаб қилиши, сугурта ҳодисаси юз берса, сугурталанувчига қонунда белгиланган тартибда қўшимча ёрдам ҳам кўрсатиш каби ҳуқуқларга эга. Сугурталовчи эса сугурта ҳодисалари бўйича текширув ўтказиши, тегишли манфаатдор давлат органлари билан ҳамкорлик қилиши ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Қонуннинг 9-моддасига асосан, сугурта товони тўловлари асосан уч турда, яъни ҳодиса натижасида келиб чиққан ўлим учун дафн маросимига бериладиган нафақа, ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси кўри-нишларида бўлади. Дафн маросимига нафақа берилиши учун ҳодимнинг ўлими айнан унинг асосий ёки қўшимча иш жойида содир бўлганлиги исботланиши зарур. Ногиронлик пенсияси иш жараёнида меҳнат қобилиятининг тўлиқ ёки қисман йўқотилганлиги учун тайинланади. Бунда ҳодимнинг иш стажига ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, яъни ушбу меҳнат тури билан қанча муддатдан буюн шугулланиб келишдан қатъи назар, ногиронлик пенсияси унга тиббий-меҳнат комиссияси қарори асосида тайинланади. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси сугурта ҳодисаси юз берган ҳодимнинг (Давоми. Боши 1-бетда).

қарамоғидаги шахсларнинг ёшидан ва меҳнат стажидан қатъи назар, фарзандларга, ота-онадан эса, эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингилга, агар улар вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки наби-ларини, ишловчиларга бо-лага қараш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлганига қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишла-маса, боқувчининг қарамоғида турган-турмаганлиги-дан қатъи назар, тайинлана-ди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу Қонун мам-лакат ҳуқуқий базасини та-комиллаштириш ва модер-низациялашда муҳим аҳамиятга эга. Уйлаймизки, Қонун нормалари давлат-нинг ижтимоий таъминот тизимида, жумладан, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳоди-салар ва касб касалликлари-дан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси соҳа-сида тегишли муносабатлар-ни тартибга солишда му-каммал ҳуқуқий метёр си-фатида хизмат қилади, шу билан бирга ушбу муноса-батларнинг тақомиллашиб боришига ҳисса қўшади.

Алишер ҲАЗРАТКУЛОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Амалдаги қонун
ҳужжатлари
мониторинги институти
илмий ходими.

ЁТ ОҚИМЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Олмалиқ шаҳар ҳокимлигида "Миссионерлик - умумжаҳон глобал муаммоси" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирни шаҳар ҳокими ўринбосари Раҳматилла Нурматов олиб борди.

Йиғилишда шаҳар ўқув-таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, пос-бонлар иштирок этдилар. Тадбир давомида миссионерлик ва экстремистик оқимларнинг жамиятимиз учун хавфли иллат экани, бугунги кунда умумжаҳон миқёсида жадал томир отиб бораётган "миссионерлик" илдиэларини батамом йўқ қилиб ташлаш, унинг салбий оқибатларидан ёшларимизни оғоҳ этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Маҳалла, таълим муассасалари, воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ўзaro ҳамкорликда иш олиб боришни кенг йўлга қўйиш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилганларга "миссионерлик"нинг аянчли оқибатлари ақс эттирилган фильм намойиш этилди.

Азиз РАҲМОНОВ.

ФОРУМ ЯҚУНЛАНДИ

Пойтахтимизда 5-11 декабрь кунлари Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ) II (Осиё) Минтақавий уюшмасининг XIV сессияси бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Гидрометеорология хизмати маркази (Узгидромет) ҳамда ЖМТ ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ўттиз беш мамлакатдан бир юз элликдан зиёд мутахассис, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини боқариш соҳасида фаолият юритувчи олим ва экспертлар иштирок этди.

Анжуманда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган миллий ва глобал сий-ҳаракатлар натижалари таҳлил этилди. Баҳариланган ишлар, эришилган ютуқлар ва галдаги вазифалар юзасидан атрофича фикр алмашилди.

Мадина УМАРОВА,
Ў.А. муҳбири.

Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари



Маҳалла ҳалқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат тушунчаларини ҳамда ибратли миллий қадриятларни тарғиб этиш марказига айланди, - дейди "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси вазифасини бажарувчи Мастура Қорабоева. - Маҳалла фаоллари оилаларда тинчлик-тотувликни таъминлаш, маънан ва жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш борасида қизгин иш олиб бормоқдалар.

Мазкур танлов ташкил этилишидан асосий мақсад - ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ҳамда кўнгилли ташкил этишдир. Энг муҳими, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг кўп асрлик бебаҳо меросини тиклаш, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш, уларга эл-юрт шаънини ардоқлаш каби

(Давоми. Боши 1-бетда).

МАҲАЛЛАМИЗ - ФАҲРИМИЗ

улугвор фазилатларни сингдиришда маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини тарғиб этишдан иборатдир. Танловда Чирчиқ шаҳри Адолат маҳалласининг ёшлар жамоаси иштирок этди.

Танловнинг дастлабки шартига асосан гуруҳлар фуқаролар йиғини ҳузурдаги ёшлар билан ишлаш комиссиясининг фаолиятига "Оила - Маҳалла - Мактаб" концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида 8 йўналиш бўйича тўлиқ маълумотларни тақдим

этдилар. Маҳалла тарихи ҳақида тўлиқ маълумот, маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарбияга қаратилган ҳамкорликдаги ишлар самараси, ёшларни спорт ва турли тўғаракларга жалб этиш амалиёти намойиш этилди.

Иккинчи шартга биноан, маҳалла ҳудудида жойлашган ҳар бир мактабнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида энг яхши иншолар тақдим этилди. Ижодий ишларда маҳалланинг тарихий хусусиятлари, миллий қадриятларимизнинг аҳамияти ва му-стакимлик йиллари давоми-да эришилган ютуқлар, шунингдек, ҳудудда истиқомат қилган тарихий шахслар ҳамда фахрийлар ҳаёти кенг ёритилишига аҳамият қаратилди.

Ва, нихоят, танловнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Жамоалар ўз чиқишларида маҳалланинг бугунги кунгача бўлган тарихи, ҳудуднинг ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари ва аъна-наларини тарғиб этиш, шу-

нингдек, ёшлар онгига ота-боболардан қолган барҳаёт меросини сингдириш бораси-да олиб борилаётган ишлар, қолаверса, мустакимлик йил-ларида эришилган ютуқлардан бир саҳнали томоша намойиш этилди.

Якуний натижаларга кўра, вилоятимиз вакили "Адолат" жамоаси ёшлари танлов ўрин Сирдарё вилояти, Боёв-вут тумани, Марказ маҳал-ласининг "Боёввут" жамоаси ёшларига ва учинчи ўрин пойтахтнинг Юнусобод тумани Оқтепа маҳалласининг "Ғунча" жамоасига насиб этди. Голиб ва иштирокчиларга танлов ташкилотчиларининг махсус дипломлари ҳамда эсдалик совғалари топ-ширилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
СУРАТЛАРДА: танлов
жараёнидан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.



ЯНГИ ОҚСОҚОЛГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Кам таъминланган оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ҳислатларини мустаҳкамлашда, янги авлоднинг камол топтириш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда маҳалланинг ўрни катта. Қолаверса, юртни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш сано-ҳара-катларида бу кўйи бошқарув органларининг хизмати алоҳида.



Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгар" маҳалла фуқаролар йиғини раислиги лавозимига сайловда шу хусусда сўз борди. Унда аҳолининг юз нафар вакили иштирок этди. Раислик-ка Тошўлат Насриддинов, Холмурод Рўзमतов ҳамда Эркинжон Юсупов номзодлари кўрсатилган эди. Вакиллар ташаббускор ва ишончли номзод - Эркинжон Юсуповни бир овоздан маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайлашди.

Саид ҲАСАНОВ,
Даврон АҲМАД
олган сурат.

Қарор ва ижро

Мустақиллик шарофати билан мамлакат иқтисодиёти эркин тус олиб, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ўсиш, ривожланиш кескин кучайиб, барқарорлик касб этиб бормоқда. Бу эса табиий йўсинда республикада ав-тотранспорт воситаларининг тез суръатлар билан кўпайишига олиб келади. Ўз-ўзидан маълумки, бун-дай вазиятларда автомо-биль ёнилғисига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам кескин ошади. Натижада ички бозорни ёнилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу вазиятни инobatга олиб, 2007 йил 10 февралда "Автомобилларни газ билан тўлдириш комп-рессор станциялари ва ав-томобилларга газ қўйиш станциялари шохобчалари-ни ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суолтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тад-бирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Унда 2007-2012 йилларда шу мақсад-да амалга оширилиши лозим бўлган аниқ тад-бирлар белгилаб берилган эди. Шунингдек, қарорда белгиланган муддатда мамлакатнинг транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва шу мақсадлар учун зарур миқ-дорда инвестицияларни жалб этиш ҳам назарда тутилганди.

Ўтган икки йилга яқин вақт ичида вилоят ҳокими-нинг ҳукумат қарорини бекаму кўст амалга оши-ришга қаратилган қарори асосида анча ишлар қилинди. Нефть, газ ва газ конденсатини қайта иш-лаш турлари ошди, су-юлтирилган газ ишлаб чиқариш кўпайди. Авто-транспорт воситаларини суолтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш жараёни ражалашди.

Айниқса, вилоят ҳоки-мининг ҳукумат қарори ҳокимлигининг ёнилғи-энергетика манбаларидан фойдаланиш ва уларни тежаш комиссияси ав-тотранспорт воситаларини суолтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш, автомобилларни газ билан тўлдириш комп-рессор станциялари ва газ қўйиш-станциялари шо-

ҳокимлигининг ёнилғи-энергетика манбаларидан фойдаланиш ва уларни тежаш комиссияси ав-тотранспорт воситаларини суолтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш, автомобилларни газ билан тўлдириш комп-рессор станциялари ва газ қўйиш-станциялари шо-

ҳокимлигининг ёнилғи-энергетика манбаларидан фойдаланиш ва уларни тежаш комиссияси ав-тотранспорт воситаларини суолтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш, автомобилларни газ билан тўлдириш комп-рессор станциялари ва газ қўйиш-станциялари шо-

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!
"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси (ДМК) Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томони-дан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 21.11.2008 йилдаги 272-А-сонли буй-руғига асосан, Тошкент вилояти таби-ати муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли, "Тико" русумли, д/р 10AV851, 1997 йилда и/ч, двигатель № 506500, кузов № ULV3S11BBVA006585, шасси рақамисиз, ранги оқ бўлган автотранс-порт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 550 000 сўм. 2. ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 21.11.2008 йилдаги 273-А-сонли буй-руғига асосан, Тошкент вилояти таби-ати муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли, "Тико" русумли, д/р 10AV839, 1995 йилда и/ч, двигатель № 304197, кузов № KLY3S11BDBC254250, шасси рақамисиз, сийёҳанр бўлган автотранс-порт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 400 000 сўм. 3. ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 21.11.2008 йилдаги 274-А-сонли буй-руғига асосан, Тошкент вилояти таби-ати муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли, "Тико" русумли, д/р 10AV833, 1997 йилда и/ч, двигатель № 505297, кузов № ULV3S11BBVA006670, шасси рақамисиз, ранги оқ бўлган автотранс-порт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 550 000 сўм. 4. ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 21.11.2008 йилдаги 275-А-сонли буй-руғига асосан, Тошкент вилояти таби-ати муҳофаза қилиш қўмитасига қарашли, "Нексия" русумли, д/р 10AQ041, 1996 йилда и/ч, двигатель № 403730, кузов № ULV3L31BDTA001495, шасси рақамисиз, ранги оқ бўлган ав-тотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 6 033 223 сўм. 5. ДМК Тош-кент вилояти ҳудудий бошқармасининг 21.11.2008 йилдаги 276-А-сонли буй-руғига асосан, Тошкент вилояти про-куратурасига қарашли, "BA3-2106" ру-сумли, д/р 11AN138, 1995 йилда и/ч, двигатель № 3985857, кузов № 3534359, шасси рақамисиз, ранги оқ бўлган автотранспорт воситаси. Бош-ланғич баҳоси - 500 000 сўм. 6. ДМК

Тошкент вилояти ҳудудий бошқарма-сининг 21.11.2008 йилдаги 277-А-сон-ли буйруғига асосан, Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, "Нексия" ру-сумли, д/р 11AC725, 1999 йилда и/ч, двигатель № 749332, кузов № XXXV3LBDXA079982, шасси рақамисиз, ранги "бошқа" (бежевий перламутр) бўлган автотранспорт воситаси. Бош-ланғич баҳоси - 2 393 580 сўм. 7. ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бошқарма-сининг 21.11.2008 йилдаги 278-А-сон-ли буйруғига асосан, Зангиота туман маданият ва спорт бўлимига қарашли, "GA3-31029" русумли, д/р 11AK951, 1995 йилда и/ч, двигатель № 0134661, кузов № 0372406, шасси № 0382655, ранги оқ бўлган автотранспорт восита-си. Бошланғич баҳоси - 891 535 сўм. 8. ДМК Тошкент вилояти ҳудудий бош-қармасининг 05.12.2008 йилдаги 293-А-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, "ДЭУ Суперсалон" русумли, д/р 10B1314, 1997 йилда и/ч, двигатель № 219658, кузов № KLANM19W1T117972, шасси рақамисиз, ранги қора бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 5 350 281 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 12 ян-варь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Ушбу автотранспорт воситалари 2009 йил 12 январь кунни соат 11:00 да тақ-дирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йилнинг 15, 19 ва 23 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қон-данга тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун та-лабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда за-калат пулини, "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб ра-қамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тош-кент ш. С. Раҳимов т. М. Уразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

ГАЗ - АРЗОН ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ЁНИЛҒИ

бўлгани сабабли кўпчилик юридик ва жисмоний шахслар транспорт воситаларини газ билан ишлашга мослаштирмоқдалар

ижросини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисидаги қаро-ридан сўнг бу соҳадаги ишлар кўлами кенгайди. Аввало, автомобилларни газ билан тўлдириш комп-рессор станциялари ва ав-томобилларга газ қўйиш станциялари шохобчалари куриш учун ер участкала-ри ажратили буйича тен-дер ўтказувчи вилоят ко-рмиссияси ҳамда талабгор-лардан ариза ва ҳужжат-ларни қабул қилувчи ичи-ги руруқи сузилди. Вилоят

хобчаларини куриш башо-рат кўрсаткичлари бажа-рилиши устидан монито-ринг ўтказиб, ҳар чорак якунини муҳокама қилиб борди. Вазирлар Маҳкамаси-нинг қарориде Тошкент вилоятида 2007-2012 йил-ларда автомобилларга газ тўлдирувчи 15 та комп-рессор шохобчаси (АГТҚШ) ва автомобилларга газ тўлди-рувчи 107 та шохобча (АГТШ) куриш назарда ту-тилиб, юридик ва жисмо-ний шахсларнинг ав-то-



ШВЕДЛАР ИХТИРОСИ

Швецияда тўлқин энергияси билан ишлай-диган денгиз электр станцияси ишга тушди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, у соатига ўн ки-ловатт электр энергияси ишлаб чиқаришга қодир. Олимларнинг сўзларига кўра, янги станция эколо-гик тозалиги билан ажра-либ туради. У олтинчи хо-надонин электр билан таъ-минлаш имконини беради.

БЕЗГАК УЧУН ВАКЦИНА

Африкада олимлар безгакнинг олдини олув-чи вакцина иختиро қил-дилар.

Без-гак яъни ма-лярия италянча "malaria" сўзлари-дан ол-инган бўлиб, захарланган ҳаво маъносини англатади. Чивин эса уни тарқатувчи энг асосий воситадир. Ши-фокорларнинг таъкидлаши-ча, янги вакцинадаги RTS.S моддаси иммунитетни оши-риш ва бактерияларни йўқ қилиш хусусиятига эга.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Африкада ушбу хасталик оқибатида ҳар йили уч миллиондан зиёд киши ҳаётдан кўз юмади. Уларнинг аксарияти бола-лардир.

АДИБ МЕРОСИ

Машҳур инглиз адиби Оскар Уайльдга тегишли бир нечта кўлэма ва хатлар тўплами Нью-Йоркнинг "Морган" кутубхонасига тақдим этилди, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС.

Му-тахас-сис-лар-нинг сўзла-рига кўра, 50 йилдан буюн йўқолган деб ҳисоблаб келинаётган мазкур топилмалар ораси-да ёзувчининг лорд Альф-ред Дугласга юборган хати энг ноёбдир.

Кўлэмалар 2009 йил-нинг апрель ойида бўлиб ўтадиган кўргазмада намо-йиш этилади.

Ў.А.

2008 йил - Ёшлар йили

КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ ВОЯГА ЕТМОҚДА

Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришган-динининг ўн саккиз йиллигига қадам қўйди. Ҳар бир йил Ўзбекистон раёнасида, шу жумладан, туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида алоҳида из қолдираётган, барча жабҳаларда амалга оширилган ислохотлар, янгиликлар жароғлари чуқурлашиб бориб, иқтисодийни юксалтиришга, маънавий-маданий соҳаларда янги-янги ютуқларга эришишига хизмат қилапти.

Узоққа бормай, Ёшлар йилининг дастлабки натижаларига назар ташлайлик. Тўққиз ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 111,5 фоизни ташкил этди. Ёнги йилкорхона - пахта тозалаш заводи бу йил амалдаги нархларда деярли 15 миллиард 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши кутилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 165 фоиз ўсишга эришилмоқда, деган сўз. Истеъмол моллари ҳажми ҳам барқарор кўпайиб бораётди. Ёнги кувончлиси, яъни саноат маҳсулотидики кичик бизнес корхоналарининг салмоғи ортиб борапти.

Қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва коммунал соҳаларда ҳам муайян ижобий сил-жиллар рўй бераётди. Саб-завотчилик, галлачилик, богдорчилик, чорвачиликдаги натижалар, айниқса, салмоқли.

Бугун туман қишлоқлари-ни айлангангиз, таълим ва тиббиёт муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари тобора қизғин тус олаётганлиги, бошқа қурилишлар жадал бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Жумладан, 5,5 километр масофада сув кувурлари ётқизилди, Минг-ўрик, Оқтом қишлоқлари, Пискент шаҳрининг Митан маҳалласида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Оқтом қишлоқ-лигача 5,7 километр масофада магистраль газ тармоғи тортилаётди. Шу мақсадда қурилиш-монтаж ишлари учун 485 миллион сўм маблағ ажратилган.

Албатта, бу ишларда ёшларнинг ҳиссаси катта. Олий ўқув юртлири, касб-хўнар коллежлари битирувчилари, ҳарбий хизматни тугатиб келадиган йигитлар саноат, қишлоқ ҳўжалиги, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларда ишга жўлашиб, тумани-мизни раванқ топтириш, турмушни фаровонлаштириш йўлида унумли меҳнат қилишаётди.

Ёшлар учун янги иш

ўринлари очиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришни кўзлаб, бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хитойнинг "Мото-пана" ЛТД компанияси билан ҳамкорликда янги гишт заводи ишга туширилмоқда. Унга 200 миң доллар миқдорда хориж сармояси киритилди. Бу корхона ишга тушиши билан 100 та янги иш ўрни очилади. Эронлик сармоядорларнинг 1 миллион долларлик маблағи иштирокида яна бир гишт заводи қурилмоқда. Унда 200 янги иш ўрни очилиши кутилапти. Туркия технологияси асосида қурилатган учинчи гишт заводи эса, ишга тушди. Бу лойиҳа учун хорижий ҳамкорларимиз 290 миң доллар миқдорда сармоя киритишди.

Умуман, 2008-2009 йилларда туманимизга 1,5-2 миллион доллар миқдорда хорижий инвестиция олиб кириш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси "Ёшлар йили" Давлат дастури муваффақиятли бажарилишини таъминламоқда. Унинг ҳажмларини тасаввур этиш учун фақат Ёшлар йилининг ўзида таълим муассасаларида олиб боришга қурилиш-таъмирлаш, ўқитишнинг моддий-техник базасини янгилаш оҳасидаги саъй-ҳаракатларга назар ташлаш kifоя. Давлат умумийлиги дастури асосида бу йил 8 та мактабда тула ва жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган эди. Бу лойиҳалар учун 1,3 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилганлиги ҳар томонлама билими, жисмоний эътиборнинг ёрқин далили эмасми?

33 та умумтаълим мактабимиз замонвий ўқув ме-беллари, лаборатория жи-хозлари, компьютер техникаси ва спорт анжумлари билан таъминланди. Кейин-ги пайтда мактабларимиздаги физика, кимё, информа-тика хоналарининг 40-62 фоизи замонвий педагогик

технологиялар талаблари асосида жиҳозланди. Ёшлар йилида шаҳар ва қишлоқларимизда маънавий ётуқ, жисмоний соғлом йигит-қизларни тарбиялашга эътибор кескин ошди. Бу борада оила, мактаб, маҳалла ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг бевосита ҳамкорлиги ҳар қачонгидан кучайди. Адабий-бадий кечалар, турли учрашув ва сўхбатлар, кўрик-танловлар, мусобақа ва спартакиадалар яхши самара берапти. Уларда ҳар жиҳатдан билимдон, ниҳоятда иқтидорли ўсмирлар воёга етаётганлигини кўриб, қузатиб, қалбинг қувончга тўлади.

Бир сўз билан айтганда, мустақил Ўзбекистонимиз истиқболлини ўз қўлларига олаётган янги авлод ижтимоий-иқтисодий жароғларга тобора дадил кириб келмоқда.

Жаҳонгир МАЪРУПОВ,
туман ҳокимининг ўринбасари.



СУРАТДА: тумандаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хўнар коллежи ўқувчи қизлари ўзлари тиккан миллий кийимлардан намуналарни намойиш қилишмоқда.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Туманда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари, маданий-маърифий учрашувлар қизгин давом этмоқда.

Уларда жамият тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ўсмир ўғил-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқ ва бурчлари, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юрт раёнасига муносиб ҳисса қўйишлари хусусида атрофлича сўз юритилмоқда.

Жумладан, умумтаълим мактаблари, касб-хўнар коллежлари ўқувчилари иштирокида «Конституция ва ёшлар», «Ҳуқуқларимиз кафолати» каби мавзуларда ўтган тарғибот-учрашувларда Бош Қомусимизда зикр этилган эркинликлар кафолати мазмун-моҳияти малакали ҳуқуқшунос олимлар томонидан ёшларга етказилмоқда.

Ҳақим НОРБОЕВ.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ:

СОҒЛОМ КЕЛАЖАКНИ СОҒЛОМ АВЛОД ҚУРАДИ

- **Қурама тоғ тизмаларининг этакларида, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида жойлашган.**
- **Бир шаҳар ва 72 та қишлоқда яшовчи 87,6 миң аҳолининг ярмидан кўпи ёшлар.**
- **5-синф ўқувчиси Азаматжон Шарипов — Жаҳон чемпиони.**
- **Болалар ва ёшлар 18 та богча, 43 та умумтаълим мактаби, 3 та касб-хўнар кол-**

- лежида таълим-тарбия олишмоқда.**
- **Хусусий тадбиркор Абдусаттор Рашидов 20 ёш оила учун ҳовли-жой қурдирмоқда. Бу уйлар келин-куёвларга имтиёзли кредит асосида тақдим этилади.**
- **«Ёшлар йили» туман дастури тадбирларини амалга оширишга ҳозиргача 2 миллион 260 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.**

МАЪНАВИЯТ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Миллий қадриятлар билан миллий маънавиятни бир-бирдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, ҳаётимиз мазмунини, кундалик турмуш тарзимизга сингиб кетган қадриятларнинг асосини миллий маънавият ташкил этади. Асрлар мобайнида шаклланиб, сайқалланиб ҳозирги жозибача кучига эга бўлган миллий маънавиятимиз неча замонлардан буён беэвола яшаб келмоқда.

Ёшлар билан бўлиб ўтган бир учрашувда: «Биз бугунги ҳаётимиз, хусусан ёшларимизнинг баркамол инсон бўлиб ўсиб-ўлғайиши, жамиятда ўз ўрнини топиши билан боглик масалаларнинг маънавий томонига катта эътибор бераётганимиз беэвола эмас», деб таъкидлаган эдилар Юртбошимиз. Дарҳақиқат, маънавият масаласи мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий кун тартибидидаги энг муҳим вазифага айланди. Бугун сафимизга янги чина филарлайдиган, ўз келажagini жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлашни жаҳон тараққиёти билан боглик ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари кириб келмоқда.

Шу мақсадда туманда ёшлар маънавияти билан боглик барча масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида туман жамоат ташкилотлари билан

ҳамкорликда қатор амалий чора-тадбирлар қўрилди. Давлат дастури мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан турли учрашувлар, мулоқот ва давра сўхбатлари ўтказилди. Барча умумтаълим мактаблари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, касб-хўнар коллежлари, шунингдек, бир қатор муассаса ва ташкилотларда ўтган «Ёшлар — келажакимиз пойдевори», «Ёшлар ва ислоҳот», «Ёшлик — яратувчилик, бунёдкорлик фалсафиди», «Соғлом келажакни соғлом авлод қуради», «Ватанимиз севмоқ имондандир» каби учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тадбирларда давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, шoirлар ва ёзувчилар, ибратли оилаларнинг аъзолари, иқтидорли ёшлар вакиллари қатнашдилар.

Ёшларимизнинг маънавий баркамоллиги, албатта, уларнинг саломатликлари билан chambarchас богликдир. Бу борада тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида «Соғлом авлод — соғлом келажакни яратати», «Соғлом оила — соғлом тафаккур», «Гийҳ-вандлик — аср вабоси» каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда. Уларда мухтаassisларнинг иштироки катта самара берапти.

Башорат САТТОРОВА,
«Маънавият тарғиботи» маркази туман бўлими раҳбари.


ИЖОД — СЕВИМЛИ МАШҚИМ

Расм чизиш менинг кундалик машғулотим. Унга болаликдан меҳр қўйиб қизиқаман. Ҳозир 18-мактабнинг 5-синфида таҳсил оламан. 4-синфгача уй шароитида ўқишга тўғри келган. Шукри, энди мен ҳам тенгқурларим билан бир сафда ўқияман.

Устозим Саида Примовадан расм чизишнинг сирларини ўрганганман. Менинг қизиқишим асосан эркин мавзуларда расм чизиш ҳамда эртак қаҳрамонларининг қиёфасини хилма-хил рангларда акс эттириш. Ота-онам бу машғулот учун шароит яратиб беришди. «Мафтункор ранглар жилоси» танловида иштирок этиб, туманда 1-ўринга бойик топилдим. Лекин бу билан чекланиб қолмадим. Устозларим маслаҳати билан ижодимни бойитиб бордим. Танловнинг вилоят босқичигача астойдил машқ қилдим. Ҳаракатим зое кетмади, 2-ўрин насиб этди.

Бу ижодий ютуқлар менга завқ бағишлаб, янада руҳлантирди. Ҳозир ҳам дарсдан бўш вақтларимни беқор ўтказмай, машқ қиламан. Орауим келажакда буюк рассомлардек ранг-тасвир асарларим билан одамларга яхши кайфият улаштиришим.

Жавлон ЭЛБОЕВ,
18-умумтаълим мактаби ўқувчиси.



УСТОЗЛАР ИБРАТИ ШОГИРДЛАРГА ҚАНОТ

Бугун ўқувчиларимизни билимларини чуқур эгаллашга раёбатлантирувчи ояллар доираси кенгайиб бораётди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учинчи босқичи яқунларининг таҳлили бунинг аққол тасдиқламоқда.

Авалло, фан олимпадаларида қатнашишга қизиқиш ортиб бораётганлигини таъкидламоқчиман. Унинг 2-босқичида 754 ўқувчи иштирок этганлиги, 38 ўқувчи бу билимдонлик кўригининг 3-босқичида қатнашганлиги бунинг далили бўла олади. Вилоят босқичида икки вакилимиз тарих ва биология фанлари бўйича биринчи ўринларни эгаллашди. Республика билимдонлик беллашувларида ҳам ўқувчиларимиз айрим фанлар бўйича 1-3-ўринларга кўтарилди.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Туманимиз мактабларида ўнлаб чинакам фидойи, юксак малакали устозлар ёшларга билим беришаётди. Ижодкор, изланувчан ўқувчиларимизнинг тақриблари кенг оммалаштирилди. Айниқса, муваффақиятларимиздан М. Ҳожибоева, Е. Олимжонов,

Қ. Комилова ҳамкасблари учун ташкил этган семинар-тренинглари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. «Шукрат» медалли соҳиббаси, экспериментатор ўқувчиси Васил Саиджўжаевнинг тақрибаси бутун мамлакат маорифчилари ўртасида оммалаштирилди.

Таълим-тарбия шароитларининг яхшиланиши бораётганлиги, янги педагогик технологияларни жорий этиш ёш ўқувчиларда ташаббускорликка раёбатни кўчатишмоқда. Уз малакаларини намойиш айтиш кифоя деб ўйлайман. 19 ўқувчи вилоят, 7 ўқувчимиз республика босқичларида чиқшга муваффақ бўлишди.

Ёшлар йилида ўқитиш савия-

сини янада кўтариш, ўқувчиларга чуқур билим беришга қаратилган саъй-ҳаракатлар яна ҳам кучайтирилмоқда. Мактабларимизда айрим фанларга ихтисослаштирилган, ўқитиш чуқурлаштирилган ёки мақсадли йўналтирилган синфларнинг очилиши болаларга асосли билим олишга иштиёқни ошираётди. Талабгорларнинг қўлиги бунга далил. Шу боис бундай синфларга ўқувчилар сўхбатлашув, имтиҳон ва тест синовлари ўтказиш натижаларига кўра қабул қилинаётди.

Биз Ёшлар йилида тўлланаётган бундай ижобий тақрибларнинг кенг оммалаштириб, ўқувчиларга пухта билим бериш услубларини тақомиллаштириб бораёلمиз. Мақсад — ёшларга асосли билим бериш, улар мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларига эришишдан иборат.

Раёно МУХТОРОВА,
6-умумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси.

Болалар спорти

АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пискент — доврўқли спортчилар юрти. Бу диёр қадим-қадимдан мерган қамончилари, жасур чевандозлари, номдор полковлари билан мамлакатга танилган. Мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги ав-

лоштирилари кенг йўл очиб, улар катта спорт майдонларига чиқишлари учун барча шарт-шароитларни яратмоқдамиз. Бунинг учун иншоотлари энг замонвий асосларда жиҳозланмоқда, тақриблари мураббийлар жалб этилмоқда. Асосий — маҳаллий хокимият идоралари, спорт ташкилотлари, таълим муассасалари, турли ҳаракат ва сиёсий партияларнинг худудий бўлиmlари бу йўлда ўз имкониятлари, куч-қайратларини бирлаштираётганлигида.

Мана шу саъй-ҳаракатлар қадим Пискентнинг спорт доврўгини оширмоқда. Ёшлар йилида бу соҳадаги ютуқлар янада салмоқли бўлмоқда. Белбоғли

лоди ана шу шонли анъаналарни давом эттирмоқда, она Ватанимизнинг шарафини олис-яқин хориждаги спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилмоқда.

Биз болалар спортини ривожлантиришда икки йўлдан қатъий билан бормоқдамиз. Биринчидан, ўсмирлар ўртасида спортнинг турли турларида қизиқишни кучайтириб, оммавий спорт ҳаракатини кенг қулоқ ёйдиратишимиз. Бу ишни болалар богчаларидаёқ бошлаб, мактаб ва коллежларда давом эттиряёلمиз. Ҳозирги пайтда таълим муассасаларимиздаги спортларда ўқувчиларларнинг турли турларида ортак тури билан шугулланишлари, куч-қайратларини бирлаштираётганлигида.

Мана шу саъй-ҳаракатлар қадим Пискентнинг спорт доврўгини оширмоқда. Ёшлар йилида бу соҳадаги ютуқлар янада салмоқли бўлмоқда. Белбоғли

соғирлиги ўринларини эгаллади. Шу мактабнинг 5-синф ўқувчиси Жасур Ортинбоев юнон-рум кураш бўйича Бекобод шаҳрида ўтган халқаро турнирда биринчи ўринга кўтарилиди. 20-умумтаълим мактаби ўқувчилари Бекназар Журналов, Достон Суюнов ҳам катта спорт майдонларига дадил чиқиб, уларнинг юксак спорт маҳоратларини намойиш қилишди. Чунинчи, Бекназар республика очик турнирида фахрли биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Достон кумуш медаль соҳиб бўлди.

Шукрат ЖўРАЕВ,
Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси туман вакили.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари Жўрабек МУРОДОВ, Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ ва Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлади.

Спорт Спорт Спорт



УЛАР ҲАМ

ФУТБОЛ Ўйнашади

Ўртағирчиқ туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маданият ва спорт ишлари соҳасида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида мини футбол турнирининг вилот финал босқичи бўлиб ўтди.

Унда барча туман ва шаҳар жамоалари иштирок этди. Собир Нишон сардорлигидаги Бўка тумани жамоаси ғолиб чиқиб, турнир кубогини кўлга киритди.

Совринли ўринларни эгаллаган ва турнирда фаол иштирок этган жамоалар эсдалик совға билан тақдирланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

СУРАТА: турнир ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш пайти.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Россия пойтахти Москва шаҳрида футбол бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасига қўрға ташлиниб, турнирда қатнашадиган ўн олмта жамоа тўрт гуруҳга бўлинди.

2009 йил бошида ўтказиладиган мусобақанинг "А" гуруҳида пахтакорчилар Россия чемпиони "Рубин", Арманистоннинг "Арарат" ва Козовстоннинг "Актобе" жамоалари билан куч синашади.

Мусобақа ғолиблигига асосий даъвогарлардан саналган Украинанинг "Шахтёр" ва Молдованинг "Шериф" жамоалари "С" гуруҳида "Левандия" (Эстония) ҳамда "Регар-ТадАЗ" (Тожикистон) футболчилари билан рақобатлашади.

Мусобақанинг бош соврини учун курашга бу йил Финляндиянинг "Интер" жамоаси ҳам қўшилди. У чорак финалга йўлланма олиши учун "D" гуруҳ баҳсларида "Интер" (Озарбайжон), "Дордой-Динамо" (Қирғизистон) ва "Вентспилс" (Латвия) футболчилари билан беллашади.

Хар гуруҳдан иккитадан жамоа чорак финалга йўлланма олади. Турнир ғолиби 25 январь кунини аниқланади.

Зохир ТОШЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси. Янгийул туманидаги Халқобод қўрғонда жойлашган "Sifo ishonch farm" хусусий корхонасига 2008 йил 14 майда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар чакана савдоси билан шуғулланиш учун берилган 7011/6447-08-сонли лицензия битими йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Шеърят тугёнлар олами. Бу оламга кириш ҳақиқатли изланишу изтиробларни бўйнига олиш, долғали денгизда сузишдек машаққатли йўлни танлаш демокдир. Кўзлаган манзилга етолмаганлар қанча, аро йўлда қолганлар қанча. Лекин, юрагида ҳақиқий шеърят олови ёнган ижодкорлар бу йўлдан шараф би...

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА КЎНГИЛ

Шоирнинг "Ватаним Ўзбекистон", "Диёрим мадҳи", "Юртимсан", "Юртимга шодим", "Сўқок сойлар", "Биз ўсган диёр" сингари шеърларида Ватанинг суврати самимий чизилади, юртга фидойилиги сатрларда ўз аксини топади. Ориф Одилхоннинг табиат лирикасида ҳам, муҳаббат лирикасида ҳам шу софлик бирдек шарфоланган турадики, бу шоирнинг иқтидори баландлигидан нишонандир. У табиат гўзаллигини шунчаки, тасвирлаш билан чекланмайди, янги-янги бадиий кашфиётлар қилади. Тоғлардаги, ўрмонлардаги биз илгмаган гўзалликни кўради. "Дархатлар одати" шеъри бунинг яхши намунаси:

Урмонзор ёнида яшайман доим, Дархатлар одати хайратга солар, Кузақдан то баҳор ечинишиб жим, Кун қизий бошлава, кийиниб олар... Ориф Одилхоннинг табиат лирикасида ҳам, муҳаббат лирикасида ҳам шу софлик бирдек шарфоланган турадики, бу шоирнинг иқтидори баландлигидан нишонандир. У табиат гўзаллигини шунчаки, тасвирлаш билан чекланмайди, янги-янги бадиий кашфиётлар қилади. Тоғлардаги, ўрмонлардаги биз илгмаган гўзалликни кўради. "Дархатлар одати" шеъри бунинг яхши намунаси:

Умрларининг охиригача гўзалликка шайдо бўлиб, қаламни қўлдан қўймайдилар, ижод қиладилар. Ориф Одилхоннинг "Сайланма" сини (Ф. Фулом номи наشريёт-матбаа ижодий уйи. Т-2008) ўқиган мухлис у бир умр ана шундай ижод куйида ёниб ўтган шоир эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.



ри, тўртликлари, рубойларида янада яққол акс этган: Ой-йиллар тўқилган тўрга ўхшайди, Бепарво одамлар гўрга ўхшайди. Ўзини ўйлаб ким эли учтуса, Чироқ ушлаб юрган кўрга ўхшайди. Ориф Одилхоннинг ижоди хусусида сўз кетганда шоирнинг дилбар гаазаларини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Халқ ичиди кўп...

қўшиқларга матн бўлган бу гаазаларда ижодкор кўнглидаги инжа туйғуларни санъаткорона ифодалаб берган. "Мен ошиқ", "Ишқ юки", "Куйладим", "Ухшамас", "Жоним элим-эй" ва бошқа кўпгина гаазаларда юрт мадҳи бўладими, хижрон азоби бўладими, ёр асли таърифими, ҳамма-ҳаммасида шоирнинг ўзига хос овози сезилиб туради: Ултирар сой бўйида бир гўзал тош устида, Урабон олмиш хаёл гул бўлиб қош устида. Хусни нури мисоли акли ҳам нур таратмиш, Ким кўрар доғни, боқиб нури кўёш устида ёки: Кечиб жаҳондан бу жоним билан, Хуснингга мен бож тўларман санам. Куларинг куйдурғудек боқандан жоним қасдиға, Кипригинг соясида бир нафас жон сақладим. Ориф Одилхоннинг мавзу жиҳатидан-да, шакл жиҳатидан-да ранг-баранг. Уч-тўрт бандлик кўпгина шеърлари сўнгида бир-икки...



мисраларни алоҳида ургу билан берадики, асосий поэтик мазмун, туйғу залворизи сатрларга тўшади. Европа адабиётидаги совет жанрини эслатувчи бу солат маълум маънода шоир ижодининг ўзига хослигидир. Шоирнинг лирик қаҳрамони уни қабиҳлик ўраб олданда, ганимлар гаёво солганда тоғларга чиқиб кетади, она ер тупроғидан қуватланади. "Бўрон ухлар қалбимда бу кун, унга ҳоким бўлолмас ҳеч ким" дея инсонлигини сақлаб қолади. Бу ҳам шоирнинг ибратидир. Тоғларга сўмоқ очган Ориф Одилхон ўз шеърлари, қўшиқлари билан халқ қалбига йўл очди ва эли юрагида ўзи қўшиқ бўлиб қолди. Илло бу қўшиқнинг авжи узок йиллар тинмағай. Шоир ўзи ёзганидек: Мен қайта униб чиққум Хисларим кирғоғида. Куй бўлиб қалбим учар Мангиллик янғоғида... Адамбек АЛИМБЕКОВ, Ўзбекистон Миллий университети доценти, адабиётшунос.

Шундан кейин

КОИНОТГА САЁҲАТ

АҚШнинг "Rocket Ship Tours" сайёҳлик компанияси коинотга саёҳат уюштириш ниятида. Маълумотларга қараганда, парвоз учун "XCOR Aerospace" компаниясининг "Lynx" фазо кемасидан фойдаланиш режалаштирилмоқда. Маҳаллий парвознинг ёзилиши, матбуотнинг ёзилиши, парвоз давомида сайёҳлар 60 километр баландликка кўтариладилар, "коинот чиптаси"нинг нархи эса 95 минг АҚШ долларига тенг.

ПАЛЕОЛИТ ДАВРИДАН ҚОЛГАН АРҚОН

Ла-Манш бўғози яқинида қадимий тош асрга (эразмидан ўн минг йил аввал - палеолит даври) оид арқон топилди. 11,5 сантиметрли арқон ёвойи ўсимликлар ўзағидан тўқилган. Британиялик археологларнинг сўзларига қўра, арқон ёнидан ёғочдан ясалган буюмлар ва чамқоқтош ҳам топилган. Маълумотларга қараганда, тош асри одамлари иш қуролларини тош, ҳайвон суяги ва ёғочдан ясаган. Олимларнинг фикрига қўра, тошдан тайёрланган илк меҳнат қуроллари тахминан икки миллион йил муқаддам Африкада яшаган одамлар "ижодий" га мансуб. Уларга мутахассислар "Homo habilis" ("Мохир одам") деб ном беришган.

СИЧҚОНЧА ҚИРҚ ЁШДА

Компьютер "сичқонча" си қирқ ёшга тўлди. Маълумотларга қўра, электрон "сичқонча"ни 1968 йили Дуглас Энгельбарт иختиро қилган. У ёғочдан ишланган бўлиб, биргина тугмача билан бўлган. У вақтлари "сичқонча" ёрдамида фақат маълумотни очиб, жойдан-жойга қўчириш ва сақлаш мумкин бўлган.

Яккасарой тумани АТИБ "Ипотекбанк" томонидан "Яккасаройтуманга"га берилган № 3483950, 3196776, 2933285, 2770042-сонли ИЗО-патталари йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Частная фирма "YULYA GOLD SERVICE" Яккасаройско-го района г. Ташкента (ИНН 300881503, ОКПО 22479233), ЛКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение 2-месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент, Яккасаройский р-н, ул. Таробий, д. 12.

"Шайхонтохур" туманидаги "TOSH INDUSTRYA SERVICE" масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 19594077, ИНН 205067191) устав жамгармасини 278 миллион сўмдан 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўмга камайитганини маълум қилади. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида 242-62-68 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Буни ҳаёт дейдилар

Бир пиёла чой ичар ичмас, дўстимизни хижолатдан қутқариш учун тура қолдик. Йўлда ҳамроҳларимиздан бири орадаги жимликни бузиб «Хайф шундай



«Тилло»ми? йигит. Бечоранинг юраги тўла дард экан-да» деб юборди. Рости, барчамизнинг дилимиздан шу гап кечаётган эди. Иккинчи ҳамроҳимиз маъноли гап қилди: «Йигит остонаси мустаҳкам бўлмади, йигитнинг холига во!» У «уйнинг остонаси» деганида аёлни назарда тутгани аён эди, албатта. Чунки, халқимиз рамзий маънода аёл...

ни уйнинг остонасига қиёс қилади. Дарҳақиқат, шундай. Бу ўринда келинга айтилмаган ёр-ёри эслаш ўринли: Йиглама қиз, йиглама, тўй сеники, ёр-ёр, Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр. Аммо, турмушга чиқадиган қизларнинг қайси бири ўзи тушган уйнинг остонасини тиллога айлантиради, қай бири эса... Шу ҳақда гап кетганда қачонлардир эшитганим - бир хижоат ёдимга тушади. Бой-бадавлат ота уч ўғлини йилантириб, уларга бор еру мулкни тақсимлаб берибди. Орадан анча йиллар ўтган, уларнинг ҳолидан бир хабар олиб келиш учун отланмайди. Ўзини танитмай, тўнғич ва ўртанча ўғиллариникида бўлиб, уларнинг турмуши, ишларидан кўнгли тўлиб қайтибди. Учинчи ўғлиникига келиб, дарвозасини қоқибди. Унга жавобан уй бекаси "Кимсиз, эрим уйда йўқ" деб кўпол муомала қилибди. Ота тушундики, бу ерда келди-кетди ҳам, файзу барака ҳам йўқ. Шунда ота дарвоза ортида туриб: - Келин, эрингиз уйга қайтганда, бир нотаниш киши келиб, остонаси яхши эмас экан, уни зудлик билан ўзгартиришни тайинлаб кетди, деб айтиб қўйсангиз, - деганича, отанинг жиловини орта берибди. Сафардан қайтган кенжа ўғил хотинидан халиги гапни эшитибди-ю, унинг жавобини бериб юборибди. Зукко ўғил уйига отаси келганини ва хотинидан кўнгли тўлмай, қайтиб кетганини англаб етган экан-да. Ха, яхши аёл йигит кишининг бахти, Остонаси тилло уйнинг эрқаги бахтли яшайди. МАЪМУРЖОН БОЗОРАЛИЕВ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига! ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚҮЙИДАГИ ОБЪЕКТГА

Table with columns for company name, address, and contact information. Includes 'ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:' and 'ТОШКЕНТ - УНКЎРГОН Н. - ЁНАРИҚ К. 4К700 М-39 АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ (808) 02-км.ни қурилиши.'

Утеранный угловой штамп частного предпринимателя Овсянниковой Натальи Юрьевны, Мирабадского района, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Table with columns for license numbers and company names. Includes 'ТОшкент вилоти, Тошкент тумани, Келес шаҳридаги "Конкордтранссервис" хусусий корхонасига қарашли автомобилларга тегишли, йўловчиларни енгил автомобилларда шаҳар атрофида ташиш фаолияти учун берилган қўйилди.'

Ю. Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи томонидан Чориев Эркин Тажиевич номига 2003 йилда берилган № 2002158-сонли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади. Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган "LIDER OIL OSIYO" (ИНН 300624869, ОКПО 22166741, ОКОНХ 13170) масъулияти чекланган жамияти устав жамгармасини 17 200 000 сўмдан 1 500 000 сўмга камайитганини. Шижоат ва аризалар 2 ой давомида 777-50-34 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ёвлонлар: 236-55-03, 236-53-54. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун режа ва эълон берувчилар масъулдир.